



No'kis q. A.Dosnazarovk. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, faks: 222-98-30,  
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

«18» Март 2021 й.

03-03/03-1331 - сонли

**Беруний тумани Турон маҳалласида  
рақамсиз уйда (2 сотихли намунавий  
турар жой) вақтинчалик яшовчи  
фуқаро З.Ибадуллаевага**

Беруний тумани Турон маҳалласида рақамсиз уйда (2 сотихли намунавий турар жой) вақтинчалик яшовчи фуқаро З.Ибадуллаеванинг вазирликка йўллаган аризаси Беруний тумани Халқ таълими бўлимининг масъул ходимлари томонидан атрофлича ўрганилди ва 2021 йил 17 март кунги 459-сонли жавоб хати берилган. Ўрганиш натижаси бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

Мурожаатда 2021 йил феврал ойининг иш ҳақилари бермаганлиги ёзилган. Беруний тумани 27-сонли мактабининг ишчи ходимлари учун жорий йилнинг январ, феврал ойлари учун табеллари ёзилган, ҳамма қатори 0,5 штат бирлигидаги психолог лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган З.Ибадуллаевага ҳам тўлиқ ойлик маошлари ёзилган.

Беруний тумани Халқ таълими бўлимининг иқтисодчиси К.Ускинов томонидан берилган билдиргисида 27-сонли умумтаълим мактабидаги ўқувчилар сони 2021 йилда камайиб кетганлиги сабабли психолог лавозими штат бирлиги 0,5 ставкага камайганлиги ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 август кунги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори асосида 2018 йил сентябр ойидан умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, психолог штат бирликлари мактабдаги ўқувчилар сони 250 нафаргача бўлганда 1 штат бирлиги, 250 нафардан 800 нафаргача 1,5 штат, 800 нафардан 1600 нафаргача 2 штат, 1600 нафардан 3000 нафаргача 2,5 штат, 3000 нафардан ортиқ бўлса 3 штат бирлиги ажратилди.

Беруний тумани 27-сонли мактабида 2020-2021 ўқув йилининг бошида ўқувчи сони 1605 нафарни ташкил этган. Яъни юқоридаги қарор асосида 27-сонли мактабга 2,5 штат бирлиги ажратилган. Жорий ўқув йилининг I ва II чораги давомида қарийиб 76 нафар ўқувчилар ўзи яшаб турган ҳудуддаги умумтаълим мактабларига ўқишини ўзгартиришган ва жорий йилнинг феврал ойида ўқувчилар сони 1529 нафарни ташкил этган. Юқоридаги қарорда кўрсатилганидек, ўқувчи сони 800

нафардан 1600 нафаргача бўлган тақдирда 2 штат бирлиги ажратилиши белгиланган. Шу сабабли 0,5 ставка психолог штати лавозими қисқартирилган.

Беруний тумани 27-сонли мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг ўртасида дарс тақсимоти юзасидан берилган маълумотга кўра мактабдаги дарс соатлари тақсимоти аввало ўқувчиларнинг тоифасига ҳамда ишдаги ютуқларига қараб тақсимланган. Жумладан, мактабда Ўзбек тили ва адабиёти фани ва Ўзбек тили (Давлат тили) фани жами 179 соат дарс юкламаси мавжуд бўлиб, бу дарс юкламалари 11 нафар фан ўқитувчиларига Низом асосида, ўзларининг розиликлари билан методи бирлашма йиғилишида кўриб чиқилиб, тақсимланган. Бу Ўзбек тили ва адабиёти фани ва Ўзбек тили (Давлат тили) фани ўқитувчиларининг бирортасидаям 31 соат дарс юклама мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 август кунги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори асосида Беруний тумани 27-сонли умумтаълим мактабининг штат жадвалидаги ўзгаришларнинг ҳисобидан 0,5 ставка психолог штатининг қисқарилиши бўйича масала Касаба уюшмасида кўриб чиқилиб, муҳокама қилинган. Беруний тумани Халқ таълими бўлимининг 2021 йил 1 март кунги 60-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100 моддаси 2-қисми 1-бандига асосан Сиз билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда кўрсатилган ўртача иш ҳақи тўлаш шarti билан белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш кўзда тутилиб, бекор қилинган.


Сизга 9-сонли мактабда она тили ва адабиёти фанидан 8 соат, 27-сонли мактабда “Қорақалпоқ тили” (Давлат тили) фанидан 8 соат дарсни ўқитиш таклиф қилинган. Арзангиздан қаноатланганингиз тўғрисида вазир номига тушунтириш хати ёзиб бергансиз.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ушбу жавобдан норози бўлган тақдирда Сизга юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқингиз бор эканлиги тушунтирилади.

Вазирнинг ўринбосари



Ш.Таджимуратов



"O'zbekiston pochta"



aksiyadorlik jamiyati

693

-son KVITANSIYA

(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)

buyurtma 30000 qabul qilishda  
(jo'natma turi) (alohida belgisi)

Qayerga Bejov

Kimga Muhammad Zeyno

Og'irlik 0.18

Jo'natish uchun to'lov \_\_\_\_\_ so'm \_\_\_\_\_ tiyin


Qabul qildi [Signature]  
(imzo)

(berilgan joy  
taqvim shtempil  
izi)



O'zbekiston Respublikasining  
«Pochta aloqasi to'g'risida»gi  
Qonunga muvofiq pochta aloqasi  
obyektlari berilgan kundan  
boshlab 6 oy davomida  
qabul qilingan pochta  
jo'natmalari uchun javob  
beradilar

QORAQALPOG'ISTON  
RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI  
VAZIRLIGI  
BERUNIY TUMANI XALQ  
TA'LIMI BO'LIMI



QARAQALPAQSTAN  
RESPUBLIKASI  
XALIQ BILIMLENDIRIW  
MINISTRILIGI  
BERUNIY RAYONLIQ  
XALIQ BILIMLENDIRIW  
BO'LIMI

Qoraqalpog'iston Respublikasi Beruniy Shahri Xalqlar do'stligi ko'chasi 16 uy.  
Tel: 524-28-58; Faks: 524-31-26

№ 459

«18» 03 2021 йил

Беруний тумани Турон маҳаллаида  
ракамсиз уйда ( 2 сотихли намунавий  
гурар жой ) вақтинча яшовчи  
Ибадуллаева Зухра Абдуллаевнага

Беруний тумани халқ таълими бўлимига, Сизнинг 2021 йил  
26 февралдаги аризангиз билан яъни “ психолог лавозимининг  
кискариш сабабларини, иш ҳақингиз тўғрисида ва халқ таълими бўлимига  
қарашли 27 сонли мактабда ўқитувчиларининг 30 соат дарс  
бераётганлигини кўрсатиб, унга порозлик билдириб ўзингизни иш билан  
таъминлашни сўраб ёзган” мурожаат қилинганлиги юзасидан тегишли  
мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ушбу ариза тегишли тартибда ўрганилиб, кўйидагиларни маълум  
қилди. Аризада, 2021 йил феврал ойининг иш ҳақини бермаганлиги  
ёзилган, аксинча 27- мактабнинг ишчи ходимлар таъбелларидан  
январь-февраль ойлари учун психолог лавозимидаги ходим  
З.Ибадуллаевага ҳам тўлиқ ойлик маошлари ёзилганлиги тўғрисида  
маълумот тақдим қилинди.

Беруний тумани халқ таълими бўлими иқтисодчиси К.Ускинов  
томонидан берилган билдиргига асосан, 27-ўрта умумтаълим  
мактабидаги ўқувчилар сони 2021 йилда камайиб кетганлиги сабабли  
рухшунос - психолог лавозими штат бирлиги 0,5 ставкага камайганлигини  
билдирган.


Билдирилган маълумотларга кўра ўрганилиб чиқилганда, 27-ўрта  
умумтаълим мактабидаги ўқувчилар сони 2021 йилда камайиб кетганлиги  
сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил  
14 августдаги ПҚ – 3907 сонли “ Ёшларни маънавий –ахлоқий ва жисмоний  
баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим- тарбия бериш тизимини сифат  
жихатидан янги босқичга кўтарини чора –тадбирлари тўғрисида ”ги  
қарорининг 4 - бандида - ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил

1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги қуйидагича белгиланган. 1600 нафардан 3000 нафаргача -2,5 штат бирлигида, 27 мактабнинг ўқувчи сони 1529 нафар бўлиб қолганлиги учун 0,5 ставка психолог лавозими кискаришига олиб келган.

Бундан ташқари, 27-сонли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёт фан мутахассислари ўртасида дарс таксимоти юзасидан берилган маълумотга кўра, мактабдаги дарс соатлари таксимоти аввало ўқитувчиларнинг тоифасига ҳамда ишдаги ютуғига қараб таксимланганлигини; Жумладан шу фандан 179 соат бўлиб, бу соатлар 11 нафар фан ўқитувчиларга низоом асосида, ўз розиликлари инобатга олиниб услуб бирлашмасининг йиғилишида кўриб чиқилганлиги тўғрисида таксимотини такдим қилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сизга 27 –сонли умумтаълим мактабидаги 0,5 ставка вақтинчалик психолог лавозимини штати жадвалидаги ўзгаришларни билдириб ХТБ томонидан 2021 йил 01 мартдан оғохлантирилганлигини, штатлар жадвали кискариши натижасида таклиф этилган вазифаларда ишлаган бош тортувчиларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ИҚ – 3907 сонли “ Ёшларни маънавий –ахлоқий ва жиёмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим- тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора –тадбирлари тўғрисида ”ги қарорининг 4 – бандига асосан қасаба уюнимасида кўриб чиқилганлигини ҳамда Меҳнат Кодексининг 100 моддаси 2- қисми 1- бандига асосан 2021 йил 01 март №60 сонли буйруқ асосида ходим З.Ибадуллаева билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини ва қонунчиликда кўрсатилган ўртача иш хақи тўлаш шarti билан белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш кўзда тутилди, бекор қилинганлигини маълум қилади.

Беруний тумани халқ таълими  
бўлими мудири в.в.б



И.Реймов

Бораканпошти Республика  
Хайр Таваккел вазири  
П. Рамаевго  
Беруний тумани ХТБго  
қарашли 24-мактаб директори  
Т. Хасановдан

Ўқувчи-тирмаси хати.

Беруний тумани ХТБго қарашли  
24-мактабда <sup>2020 й. ноябрь ойида</sup> 0,5 ставкадаги психолог  
лавозили <sup>вакафида</sup> турган эди.

Ибадуллаев: Зуҳро Абдуллаевна  
2020 й. 11 декабрь кунин Беруний  
тумани ХТБнинг №367-сонли  
буғручилиги олий келди бо шунинг  
мактабда психолог (0,5 ставкадаги)  
лавозилига тайинланганлигини  
айтди бо шунингдан бешмақаб  
мактабда ишлов башлади.

мактабда психолог лавозили  
ишати ўзувчи сонига қароб  
бешмақабда.

ўзувчи сони 1600 дан ортиқ бўлса  
2,5 ставка, 1600 гача бўлса

2 ставка бешмақабдан.

2021 й январь ойи ҳолатига кўра  
27-мактабда ўзувчи сони 1529 та  
ташвиш қилади, шунинг билан  
0,5 ставка психолог ишати қисқариб  
кетди.

Ибадуллаев во. Зухраго. 2021  
енварь во. февраль айлофи учун  
тўлик ойлик маошлари тўлаб  
берилди.

2021 йил 1-мартдан 0,5сг. дан  
психолог шатаги келказганлиги  
тўғрисида. хТБго. бешдирги берди.

Ибадуллаев во. Зухраго. 10 соат  
боракалрок тилдан дан дарс соати  
берилди мулканилиги айтди,  
у эсо. раг жавабни берди.

Ибадуллаев во. Зухра. мактабго.  
психолог бўлиб ишго келтири.  
хТБ кадрлар бўлишига. ўз мута-  
хассислиги бўлишига. иш сўраб  
муружат келган, шундан ишго  
Элла.

Мактабда дарс соати  
ўзбекистонлик телеграмо, тавли  
сохасидан юмуклофиго. эвтебор  
берган хелдо. тавлиманган.

Мактабда тавли рус во. ўзбек тили  
олиб берилди. Рус сифарго.  
дарс берадиган ишги тили,  
математика, тарих, биология во.  
инглизчаго. ўзбекистонлик га  
30 соат дарси бўлиши мулкани.

Ўзбек тили во. агабисти франца  
дарс тавлиотили илово. келгани.

Ибадуллаев. Зуҳро. Ҷз аризаеида  
24-мактабда ӯзбекистонро 31-соатдан  
ӯзбекистон кўришларидан ғизан ёлтон  
маълумот келтирган, сабаби.  
Ҷз АБВ программаси 30 соатдан  
ортмиқ соатни бади келмайдиги, бу  
келатди. албатта шў бо- тулган  
моделл бўлсади шў кўрилган бўлар  
Эди.

Ҷузеуриетерасеи каттаеи Ҷз кўрил  
бо. Ҷз сўдил билан ёлган, геб.  
24-мактаб директори. Т. келсаеи бо.

/ ~~асад~~ / 2021. 6. 6 соат.



Qorqolpoğiston Respublikasi

talq ta'limi vaziri

L. Keimevga

Nusxasi: Beruniy tumani talq ta'limi

bilimi vaqfincha muduri

L. Keimevga

### Tushuntuvish xati

Men, Abdulloyeva Lutfra qilgan murojati  
ga asosan, menga № 9 sonli maktabdan 8 soat  
ona-tili adabiyot fani hamda Qorqolpoğ tili  
fanidan № 27-sonli maktabdan 8 soat dars  
taklif qilindi. Berilgan taklifdan qanoatlanm.

Tushuntuvish xati beruvchi: Rosh L. Abdulloyeva  
sana: 18. 03. 2021.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани халқ таълими  
Бўлимига қарашли 27-сонли мактаб қасаба уюшмасининг  
навбатдан ташқари  
**МАЖЛИС БАЁНИ №**

Беруний тумани

2021 йил 26 февраль

Кенгаш раиси : Г.Хасанова  
Баёнлаштирувчи : И.Раджапова  
Қатнашди : 27-сонли мактаб ўқитувчилари, ХТБ бўлими юристи

**Кун тартибидаги масала :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 сонли қарори асосида штаталар жадвали қисқариши муносабати билан Халқ таълими бўлимига қарашли 27-сонли мактабнинг 0,5 ст психологи З.Ибадуллаеванинг лавозим штати қисқарилишини муҳофаза қилиш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан мактаб директори Г.Хасанова сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 сонли қарорининг 4-бўлимида кўрсатилган 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги ўқувчилар сони 1600 нафардан 3000 нафаргача бўлганда 2,5 штат бирлиги белгиланганлигини ва 2021 йилдан ўқувчилар ҳаракатидан кейин ўқувчилар сони бугунги кунда 1529 та нафар бўлганлигини инобатга олиб мактабнинг 0,5 ст психолог лавозими қисқарганлигини айтиб ўтди.

Шундан кейин берилган маълумотларни инобатга олиб, халқ таълими бўлими юристи М.Камалова сўзга чиқиб, мактабнинг тақдим қилган маълумотида асосан шу мактабда қорақалпоқ тили фанидан 8 соат ҳамда апрель ойида туғруқ таътилига кетадиган ходимининг 8 соат дарслари билан таъминлашини билдирганлигини айтиб ўтди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 сонли қарорининг 4-бўлимида кўрсатилган 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги ўқувчилар сони 1600 нафардан 3000 нафаргача бўлганда 2,5 штат бирлиги қилиб белгиланганлигини ҳақида батафсил айтиб ўтди. Юқоридагиларни инобатга олиб 0,5 ст психолог лавозими қисқарганлигини ҳамда ходимлар сони ёки штат қисқарган тақдирда меҳнат шартномаси МКнинг 100-модда 2-қисми 1-бандига асосан бекор қилинишини ва қасаба уюшмасининг розиликлари инобатга олиниб, 2 ойлик ўртача иш ҳақи тўлаш шарт билан бекор қилинишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг мактабнинг қасаба уюшмаси раиси И.Раджапова сўзга чиқиб ходим З.Ибадуллаеванинг лавозим штати қисқариш муносабати билан меҳнат қонуничилигида кўрсатилган қонун-қоида асосида меҳнат шартномасини бекор қилинишига розилик билдирди.

Юқоридаги билдирилган фикр мулоҳазаларни инобатга олиб,

Beruniy tumani XTB  
I. I. B. muduri  
L. Reimova  
Ladullayeva Lubradan

O. V.  
/

Ariza

Beraman usbu arizamni, u ham katta  
men 2013 yil QD U o'zbek filologiya fakultetini  
tugaldim. Meni o'z mutaxassisligim loyiha ish  
bilan taminlashingizni to'rayman

Ariza beruvchi: ~~Amir~~ L. Ladullayeva

sana: 18.03.2021

4-sonat. og'uv shartlari, 4-sonat yuzga qimmatligi  
o'z-o'zidan qabul qilinib boshqarilgan.

9-sonat qabul qilinib / U. Ushurbekov

2020-2021 ўқиш йилида ўзбек тили фани ўқитувчилариниң соат тақсироти.

Т/Р	Ф.И.Ш	тоғиф асп-жами соати	11 син		10 син		9 син		8 син		7 син		6 син		5 син		4 син		3 син		2 син		
			А	Б	В	Г	Д	Ж	А	Б	В	Г	Д	Ж	А	Б	В	Г	Д	Ж	А	Б	В
1	Сағимова Нилуфар Каримбаевна	1-24							2	2	2	2	2	2	2	2	2						
2	Ражапнова Ирода Хақимбаевна	0-24			2				2	2	2												
3	Шарипова Дилдора Юсулбаевна	0-22			2							4	4										
4	Ибдуллаева Аюлат Бақтияровна	1-22										2	2	4	2	2	4	2	2				
5	Сейтимова Нолира Камилжановна	1-13			2	2	2	2															
5	Абдуллаева Интизор Камилловна	11-8																					
7	Ибрагимова Мадина Маратовна	М-14	2	2																			
8	Сапарова Юлдуз Тулиевна	1-22		2	2	2	2	2															
9	Розыбаева Зумрад Шамуратовна	11-20																					
10	Якубова Наргиза	М-10																					
11	Ибрагимова Шоира Азатовна	М-5																					
12	жами																						

Услуб бирлашма рахбари

Сапарова Ю.